Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

№70-71 (923-924)
2025 йил 29 август, жума

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


*Ҳеч шубҳасиз, 1991 йил 31 августда мард ва олижаноб халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва азму қарори билан қўлга киритилган миллий истиқлолимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги барча ислоҳотларимиз ҳал қилувчи босқичга кираётган бугунги тарихий шароитда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Айнан мустақиллик, барча сиёсий-ҳуқуқий кафолатларни ўзида мужассам этган ҳолда, “Ўзбекистон – 2030” стратегиямизни амалга ошириш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтириш, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши қўшничилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда беқиёс таянч бўлиб хизмат қилмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан.

## МИЛЛИЙ МУЗЕЙГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛДИ, ЯНГИ АЭРОПОРТ ЭСА МУҲИМ ТРАНСПОРТ ХАБИГА АЙЛАНАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 27 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Миллий музейининг қурилишига старт берди ҳамда “Тошкент – Шарқий” аэродроми негизида барпо этилган янги аэропортда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.**

Дастлаб Ўзбекистон Миллий музейи қурилишига тамал тоши қўйилди.

Давлатимиз мустақиллиги миллий ўзлигимизни юзага чиқариб, эзгу саъй-ҳаракатларга асос бўлиб келмоқда. Ҳар йилгидек, бу галги истиқлол байрами ҳам яхши янгиликларга васила бўлмоқда. Шундай тарихий воқеалардан бири янги Миллий музейга асос солинишидир.

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарига ушбу иншоот лойиҳаси ва хусусиятлари, қурилиш босқичлари ҳақида ахборот берилди.

Музей Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси шафелигида Япониянинг “Tadao Ando Architect & Associates” архитектура бюроси ҳамда Германиянинг “Atelier Brückner” компанияси томонидан лойиҳалаштирилган. Унинг ташқи қиёфаси айлана, тўрт бурчак ва уч бурчак шаклида бўлиб, Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзида уйғунлаштиради. Мажмуа уч қаватли музей, қаватли ертўла ҳамда ёрдамчи бинолардан иборат бўлади. Хитойнинг “CSCEC International Construction” компанияси томонидан қурилади.

Пойтахтимизда ушбу музей қурилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий боғи яқинидаги майдонга маданият ва санъат намояндалари, олимлар ва адиблар, нуронийлар, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

– Ҳамма соҳада ривожланиш билан бирга қадриятларимизни тиклашга ҳаракат қиляпмиз. Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий мажмуаси, Олимпия шаҳарчаси каби улкан иншоотлар қуряпмиз. Бунинг замиридаги асосий мақсад шуки, бу бинолар халқимизга мулк бўлиб қолиши керак. Мана энди яна бир тарихий мажмуа – Ўзбекистон Миллий музейи қурилишини бошлаяпмиз. Бу музей уч минг йиллик бой тарихимизни одамларга, дунё ҳамжамиятига ва келажак авлодга етказадиган илм-маърифат ва маданият маскани бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этилганидек, ҳозир биргина Тошкентдаги 30 та музейда 1 миллиондан зиёд экспонат бор. Уларнинг 100 минги Давлат санъат музейида бўлиб, шундан бор-йўғи 2 минг 400 таси намойишга қўйилган. Кўргазма заллари етарли бўлмагани сабабли 97 мингдан зиёди омборда сақланмоқда.

– Марказий Осиё, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Европа давлатлари маданиятини ўзида акс эттирган бу ноёб санъат асарлари нафақат бизнинг, балки бутун инсониятнинг беқиёс бойлиги. Уларни асраб-авайлаб, келгуси авлодлар учун бешикаст етказиш, дунё оммасига намойиш қилиш орқали мамлакатимизнинг бой тарихи ва маданиятини тараннум этиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз, – дея таъкидлади Президент.

Бундай маҳобатли музей юртимиз тарихида илк бор барпо этилмоқда. Унинг умумий майдони 40 минг квадрат метр бўлади. Кўргазма заллари, кутубхона, реставрация лабораториялари ва экспонатларни сақлаш хоналарида энг замонавий қулайликлар ташкил этилади.

Бу орқали ҳозирда пойтахтимизнинг турли музейларида тарқоқ жойлашган тарихий ашёлар, кўҳна ва замонавий санъат асарларини яхлит кўриш мумкин бўлади. Умуман, музейда бир вақтнинг ўзида 10 мингга яқин экспонатни намойиш қилиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, 4 минг квадрат метр майдонда конференция заллари, аудитория ва ресторанлар, болалар майдончалари жойлашади.

Музей ишга тушгач, атрофидаги Абулқосим мадрасаси, Халқлар дўстлиги саройи ва Ўзбекистон Миллий боғи билан бир жойда яхлит меъморий композицияга айланади. Юртдошларимиз ва хорижий сайёҳлар ташриф буюрадиган тематик туризм маскани бўлади.

Келажакда ушбу музей дунёга машҳур Лувр, Метрополитен ва Британия музейлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатади, ноёб экспонатлар олиб келинади ва кўргазмалар ташкил қилинади.

– Ишончим комил, янги барпо этиладиган мажмуа мамлакатимизнинг жаҳон тарихи ва тараққиётида тутган ўрнини янада ёрқинроқ кўрсатади. Бир йил эмас, ўн йил эмас, кўп йиллар давомида халқимизга хизмат қилади, – деди Шавкат Мирзиёев сўзининг якунида.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари мажмуа пойдеворига капсула қўйиб, қурилишни бошлаб берди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Шавкат Мирзиёев “Тошкент – Шарқий” аэродроми негизида барпо этилган янги аэропортни бориб кўрди.

Мамлакатимиз тараққий этиб, халқаро нуфузи ошгани сари дунё билан алоқалар фаоллашиб бормоқда. Шу боис транспорт инфратузилмасининг барча йўналишларини мутаносиб ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Ана шундай стратегик лойиҳалардан бири – “Тошкент – Шарқий” аэродроми негизидаги бизнес авиацияси мажмуасидир. Унинг қурилиши 2017 йилда бошланган эди. Пандемия ва ундан кейинги қийинчиликлардан ўтиб, ниҳоят улкан иншоот қуриб битказилди.

Аэропортнинг умумий майдони 561 гектардан иборат. 4 километр узунликдаги учиш-қўниш йўлаги ва 3 та ҳаракатланиш йўли янгиланиб, энг оғир самолётларни ҳам қабул қилиш қувватига эга бўлди. 20 та “ҳаво кемаси”га мўлжалланган перрон барпо этилди. “Boeing 787”, “A 320” каби самолётлар, бизнес-жетлар ҳамда вертолётлар учун ангарлар қурилди. Бу уларнинг қишда илиқ, ёзда салқин сақланиши ва хавфсизлигини таъминлайди.

Аэропортда VIP ва CIP терминаллар бунёд этилган. Олий мартабали меҳмонлар залида расмий кутиб олиш, музокаралар ва брифинг ўтказиш учун барча шароит яратилган. Соатига 100 нафар йўловчини қабул қилиш қувватига эга CIP терминалида дўкон ва овқатланиш жойлари бўлади.

Муҳими, аэропорт ICAO III-A тоифасидаги илғор радиотехника ва метеорология ускуналари билан жиҳозланади. Бу ноқулай об-ҳаво шароитларида ҳам учиш ва қўниш имконини беради.

Янги аэропорт қулай жойлашуви туфайли пойтахт ва Янги Тошкент шаҳри учун муҳим транспорт хабига айланади. Халқаро ташрифлар ва ишбилармонлик сафарларини амалга ошириш имкониятлари кенгаяди, хорижий инвесторлар учун шароитлар яхшиланади. Натижада иқтисодий алоқалар ва хизмат кўрсатиш соҳаси янада ривожланиб, янги иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда жамоат фаоллари, нуронийлар билан суҳбатлашди.

– Кўп йил тайёргарлик қилиб, мана шундай янги аэропорт қурдик. Бу ҳам давлатчиликнинг яна бир замини. Бу ерда юртимизга келадиган меҳмонлар ва самолётларга юқори даражада хизмат кўрсатилади. Натижада Тошкент халқаро аэропортига юклама енгиллашади. Худо хоҳласа, у аэропорт учун ҳам бошқа жойда улкан мажмуа қуришни режалаштирганмиз. Умуман, ҳамма ҳудудларимизда катта-катта лойиҳаларни бошлаганмиз. Илоҳим, тинчлигимизга кўз тегмасин, янги иншоотлар, фаровонлик халқимизга буюрсин, – деди Президент.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Абдулазиз РУСТАМОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ – мустаҳкам маънавий пойдевор

**Козим ТУЛЯГАНОВ,** Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийлар кенгаши раиси.



**Аввало, барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрами билан чин қалбимдан табриклайман! Ҳеч шубҳасиз, барчамиз учун энг улуғ ва муқаддас бўлган бу байрам шукуҳи оилаларимиз даврасида, қалбларимизда, юракларимизда давом этади.**

Халқимизнинг беқиёс жасорати ва матонати билан 1991 йил давлат мустақиллиги қабул қилинганлиги ўзбек халқининг асрий орзуларини амалда таъминлаган оламшумул воқеа бўлиб қолди. Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришмайлик, мустақиллик ғояси, истиқлол руҳи доимо тоғдек таянч бўлиб қолаверади. Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келяпмиз. Шу нуқтаи назардан, бизнинг инсоний қадр-қимматимизни, ғурур ва шаънимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик куни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлаб, эртанги кунимизга, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз янада ортмоқда. Мамлакатимизни ривожлантиришда Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, барча соҳа ва тармоқлар, шу жумладан, қурилиш соҳасида амалга ошираётган ислоҳотларимиз ҳам ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Улкан қурилиш майдонига айланган мамлакатимизда кўплаб янги-янги корхона ва турар жойлар, йўл ва кўприклар, инфратузилма объектлари, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Бугунги кунда 30 мингга яқин объектда қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Бу эса, халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан ёрқин далолатдир.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар, хамкасблар! Сизларни Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийлар кенгаши номидан Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрами билан яна бир бор чин дилдан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва омад ёр бўлсин, яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**Хитой Халқ Республикаси уй-жой, қишлоқ ва шаҳар қурилиш вазири Жаноб Ни Ҳонг бошчилигидаги делегация мамлакатимизга расмий ташриф билан етиб келди. Меҳмонларни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева кутиб олди.**

Ташриф доирасида Жаноб Ни Ҳонг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги диққатга сазовор бунёдкорлик объектлари ва замонавий инфратузилма лойиҳалари билан танишди. Дастлаб делегация Тошкентдаги йирик бунёдкорлик лойиҳаларидан бири – Олимпия шаҳарчасига ташриф буюрди. Сўнгра, меҳмонлар “Янги Тошкент” шаҳри лойиҳаси майдони ва бош офисини бориб кўришди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосарлари Давронжон Адилов ҳамда Озода Жўраева хитойлик меҳмонларга лойиҳа концепцияси, режалаштирилаётган инновацион лойиҳалар, замонавий инфратузилма ва бошқарув ёндашувлари ҳақида маълумот бердилар.

Ташриф давомида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Хидоятов Хитой Халқ Республикаси уй-жой, қишлоқ ва шаҳар қурилиш вазири Жаноб Ни Ҳонг бошчилигидаги делегация билан расмий учрашув ўтказди. Учрашувда томонлар қурилиш, шаҳарсозлик соҳасидаги мавжуд ҳамкорлик ҳолатини таҳлил қилдилар. Мазкур йўналишда тажриба алмашинуви, илғор технологияларни жорий этиш ва кадрлар тайёрлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Шундан сўнг делегация аъзолари қадимий Самарқанд шаҳрида бўлиб, Буюк Амир Темур мақбараси – Гўри Амир мажмуаси, жаҳон архитектурасининг дурдонаси – Регистон майдони ва “Афросиёб” музейини томоша қилишди. Меҳмонлар ушбу муқаддас масканлар билан яқиндан танишиб, Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, меъморий ёдгорликлари ҳамда туризм салоҳиятига юқори баҳо бердилар.

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида юртимиз мустақиллигининг 34 йиллигига бағишлаб “Ватан учун, миллат учун, халқ учун” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.**

Тадбирда вазирлик марказий аппарати ва тизим ташкилотлари, жумладан, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ, Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти, “Коммунал таъминоти маркази” ДМ, “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика маркази” ходимлари ҳамда ҳудудий бош бошқармалар вакиллари ЗООМ платформаси орқали қатнашдилар.

Тадбирда соҳада фаолият юритаётган ҳар бир ходим тартиб, интизом ва масъулият билан иш олиб бориши зарурлиги алоҳида таъкидланди. Коррупцион ҳолатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш, вазифаларни сидқидилдан бажариш соҳа ривожининг энг муҳим омилларидан бири экани қайд этилди. Шунингдек, мустақиллик бебаҳо неъмат бўлиб, уни асраб-авайлаш эса ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлиги ҳақида сўз юритилди.

## НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг етти ойлик фаолият якунлари муҳокамаси бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳамда келгусидаги вазифалар танқидий муҳокама қилинди.**



Бугунги кунда 27 минг 372 та қурилиш объекти давлат назоратига олинган бўлиб, Инспекция ходимлари томонидан мазкур объектларда 243 мингга яқин назорат тадбирлари ўтказилган. Қурилишларда аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мақсадида 106 минг 905 та ёзма кўрсатмалар берилган, 2 минг 653 та ҳолатда эса қурилишнинг масъул шахсларига нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган. Лойиҳа талабларига риоя этилмаган 2 минг 350 та қурилиш объектларида буздириш йўли билан қоидабузарликлар бартараф этилган. Сифатсиз қурилиш материалларидан фойдаланиш билан боғлиқ 823 та ҳамда лойиҳада йўл қўйилган камчиликлар учун 401 та ташкилотга нисбатан лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларини бекор қилиш юзасидан тақдимномалар киритилган.

Шунингдек, Инспекция ходимлари томонидан 13 минг 598 та кўп квартирали уйларнинг техник ҳолати ўрганилиб, 4 минг 231 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан ёзма кўрсатмалар берилган ҳамда уларнинг ижроси назоратга олинган. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида олиб борилган назорат тадбирлари давомида 3 минг 624 та қоидабузарлик ҳолатлари аниқланиб, барча ҳуқуқбузарларга нисбатан жарима чоралари қўлланилиб, қоидабузарликларни бартараф этиш ишлари амалга оширилган. Йиғилишда соҳада давлат назоратини янада кучайтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир аниқланган қонунбузилиш ҳолати бўйича қатъий чоралар кўриш, шунингдек, жойларда назорат-таҳлил ишларини тизимли ташкил этиш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№70-71 (923-924) 2025 йил 29 август

# Фарғона мўъжизаси – “Эко шаҳар” лойиҳаси янги босқичда

**Сардорхон СОДИҚХОНОВ,**
Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассиси, архитектор.

**Юртимизда аҳолини уйли-жойли қилиш тамойили давлатимиз сиёсатининг бош мақсадларидан ҳисобланади. Зеро, уйи борнинг ўйи йўқ, деб бекорга айтишмаган. Қолаверса, уйи бор одам хотиржам яшайди, тўю тантаналар қилса арзийди.**

Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги тантаналари арафасида Фарғона вилоятида ҳам қатор объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Юзлаб оилаларда уй тўйлари нишонланиб, минглаб юртдошларимиз қалби қувончга тўлди. Бу бунёдкорликларнинг узвий давоми сифатида айни пайтда ҳам вилоятда кенг кўламли қурилиш ишлари давом этмоқда. Хусусан, “Эко шаҳар” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилаётган ушбу лойиҳа замонавийлик, қулайлик ва экологик тозаликка асосланган янги ҳаёт тарзи тимсолига айланмоқда.

Бугунги кунда ушбу улкан лойиҳа ўзининг навбатдаги босқичига қадам қўймоқда. Умумий майдони 300 гектарни ташкил этувчи “Эко шаҳар”да 65 мингдан ортиқ аҳолига мўлжалланган замонавий уй-жойлар қад ростлаяпти. Аҳоли зич яшайдиган шаҳар ва вилоят учун бу ижтимоий жиҳатдан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Яна бир муҳим жиҳати – 50 гектар майдонда ташкил этилган кичик саноат зонаси минглаб фуқароларни иш билан таъминлаш имконини беради.

“Эко шаҳар” ўзига хос экотизим асосида бунёд этилмоқда. 70 гектар ҳудудда “Янги Ўзбекистон боғи” ва сунъий кўл барпо қилиниб, ушбу ҳудуд атрофида сўлим хиёбонлар ташкил этилди. Марказдаги диққатга сазовор объектлардан яна бири – Baland Eco Tower мажмуасидир. Лойиҳа икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 30 қаватли бино қурилиб, унда савдо маркази, ресторан, бизнес марказлари ва меҳмонхона жойлашади. Иккинчи босқичда эса 20 қаватли бино қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, замонавий Экспо маркази ҳам бунёд этиляпти. Қурилиш ишларини “Трест 6” МЧЖ олиб бораётган ушбу мажмуа 7 қаватли асосий бино, иккита кўргазма зали ва конференция залини ўз ичига олади. Лойиҳа қиймати 147 миллиард 398 миллион сўмни ташкил этади.

Яна бир йирик лойиҳа – IT Park бўлиб, у “426 ХКМК” МЧЖ томонидан қурилмоқда. IT Park нинг асосий биноси 13 қаватли бўлиб, унга қўшимча 3 қаватли бинолар ҳам барпо этилади. Лойиҳа қиймати 82 миллиард 622 миллион сўм атрофида.

– “Эко шаҳар” лойиҳаси вилоят ва шаҳар ривожланишида янги даврни бошлаб берди, – деди Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлим бошлиғи Бекзод Маҳмудов. – Бу ерда яратилаётган инфратузилма, замонавий уй-жойлар ва яшил майдонлар аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган. Бугунги кунда 300 гектар майдонда 298 та кўп қаватли уй қуриляпти. Бундан ташқари, кичик саноат зонаси, “Янги Ўзбекистон боғи”, сунъий кўл, Баланд Eco Towep, Экспо маркази ва IT Park каби йирик инфратузилма лойиҳаларининг ҳар бири замонавий стандартларга тўлиқ жавоб беради.

Демак, “Эко шаҳар” келажакда юртимиз учун янги меъморий макон, аҳолининг фаровонлиги ва иқтисодий ривожланиши учун муҳим асос бўлади. Бу лойиҳа ёшларнинг иш билан таъминланиши, оилалар учун қулай яшаш шароитлари яратилиши, шунингдек, экологик муҳитнинг сақланишига ҳам хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, “Эко шаҳар” – келажак шаҳарсозлигининг ёрқин намунаси бўлиб, Фарғонанинг ривожланишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.


















# Ички назорат тизими такомиллашмоқда

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Коррупцияга қарши курашиш бўлими ташаббуси билан тизим ташкилотларида “Коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш” мавзусида тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.**



Хусусан, “Qishloqqurilish-loyiha” ДМ, “O‘zshaharsozlik LITI” ДМ, “Toshuyjoy LITI” АЖ, “Toshboshplan LITI” ДМ, “Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi”, Компетенцияни ривожлантириш институти, “Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ, “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” каби тизим ташкилотлари ходимлари иштирокида семинар-тренинглар бўлиб ўтди.

Ўтказилган тадбирларда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходими – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи Жасур Файзиев ва бошқа тегишли масъуллар соҳада коррупцион ҳолатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш юзасидан тарғибот ишларини олиб бордилар. Шунингдек, йиғилишларда соҳанинг шаффофлиги, ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар оқибати, давлат хизматчиларининг ҳисобдорлиги ва масъулиятини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда вазирлик томонидан мазкур йўналишда зарур чоралар белгилаб олинган бўлиб, ички назорат тизимини янада такомиллаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

# Байрамга пухта ҳозирлик кўрилди



**Нозим ЯҲЁЕВ,** Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Махсус ва архив ишлари бўйича бош мутахассиси.

**Бухоро вилояти мустақил Ўзбекистоннинг тараққиётида ўзига хос ўрин тутади. Бу йил “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шиори остида нишонланаётган истиқлол тантаналарига ҳам вилоятимиз бунёдкорлари пухта ҳозирлик кўришмоқда. Қурилиш-бунёдкорлик соҳасидаги бу фаоллик вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, замонавий инфратузилма яратиш ва аҳолининг турмуш сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.**

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Бухоро вилоятида кўплаб ижтимоий ва инфратузилма лойиҳалари амалга оширилди. Шу жумладан, янги мактаблар, боғчалар, шифохоналар, спорт иншоотлари ва турар жой мажмуалари барпо этилмоқда. Шаҳар ва туман марказларида йўл ва кўприклар қурилиши, шунингдек, ички ва ташқи коммуникация тизимларининг модернизация қилиниши натижасида аҳолига қулай яшаш шароитлари яратиляпти.

Жумладан, 2025 йилда вилоятимиз бўйича аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида 6500 хонадондан иборат 140 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши белгиланган. Шундан, “Янги Ўзбекистон” массивларида 524 хонадондан иборат 12 та кўп қаватли уй-жойлар ва уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 5 минг 976 хонадондан иборат 128 та кўп қаватли уй-жойларни барпо этиш назарда тутилган.

Ҳозирга кунга қадар дастур доирасида 51 та 2026 хонадонли уй-жойлар (“Янги Ўзбекистон” массивларида 2 та 50 хонадонли, уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 49 та 1976 хонадонли) фойдаланишга топширилди. Бугун янги уйларда шоду хуррамликда яшаётган юртдошларимизнинг қувончини кўриб, бунёдкорлар меҳнатига яна бир раҳмат айтсак, арзийди.

Таъкидлаш керакки, вилоятда олиб борилаётган қурилиш ишларида экологик ва эстетик меъёрларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, тарихий обидаларни асраш ва замонавий иншоотларни маҳаллий архитектура билан уйғунлаштириш орқали Бухоро маданий мероси ҳамда замонавий ривожланиш уйғунлиги таъминланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда қурилиш соҳасидаги ривожланиш нафақат иқтисодий ўсиш ва инфратузилма яхшиланишини таъминлаш, балки ҳудуд аҳолисининг турмуш даражасини ошириш ва келажак авлод учун қулай шарт-шароитлар яратишга ҳам хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Зеро, мустақиллик байрами – истиқлол имкониятларидан фойдаланиб, яратувчанлик завқи билан яшаётган қурувчиларнинг ҳам сарҳисоб айёмидир. Энг муҳими, буларнинг бари Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги тантаналари руҳига тўла мос келади ва вилоятимиз тараққиётининг ёрқин намунаси ҳисобланади.

# Замонавий хизмат кўчаси бунёд этилади

**Боёвут туманининг Соҳил ҳамда Беруний маҳаллаларидан ўтувчи Ал-Беруний кўчасида замонавий хизмат кўрсатиш ҳудуди ташкил этилмоқда.**

Ушбу лойиҳа доирасида кўча 24/7 режимида фаолият юритадиган махсус хизмат кўрсатиш марказига айлантирилиши белгиланган. Ҳудуддаги ер участкалари “К-савдо” электрон платформаси орқали аукционга чиқарилиб, у ерда турли савдо дўконлари ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида аҳолига қулай шароит яратиш ҳамда пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, кўчада узунлиги бир километр пиёдалар йўлакчалари қурилиб, замонавий ёритиш чироқлари ўрнатилмоқда. Шунингдек, аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун қулай ўриндиқлар ҳам жойлаштирилмоқда. Мазкур ишлар якунига етгач, Ал-Беруний кўчаси Боёвут тумани аҳолиси ҳамда меҳмонлари учун янги замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш марказига айланади.



**Жалол АРАШОВ,** Бухоро вилояти ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари.

# БУХОРО, иқтисодий юксалиш ва янги имкониятлар даврида

**Сўнгги йилларда Бухоро вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳудуд қиёфасини бутунлай янгиламоқда. Янги уй-жойлар, замонавий мактаблар, тиббиёт муассасалари, йўллар, кўприклар, ишлаб чиқариш корхоналари – буларнинг барчаси вилоят ҳаётига янги нафас олиб кириб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш суръатларини тезлаштирмоқда. 2025 йилда давлат дастурлари доирасида режалаштирилган лойиҳалар асосида олиб борилаётган ислоҳотлар жараённинг нақадар кенг қамровли эканини яққол кўрсатиб турибди.**

Амалга оширилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишлари юқори эътибор ва назорат остида олиб борилмоқда. Қурилиш жараёнларида энергия тежовчи технологиялар, экологик "яшил" стандартлар ва замонавий меъморий ёндашувлар кенг жорий этилмоқда. Натижада Бухоро ўзининг тарихий қиёфасини асраб қолган ҳолда, замон талаблари даражасидаги қулай ва сўнгги услубдаги яшаш ҳудудига айланмоқда. Янги турар жой мажмуаларида аҳоли учун барча зарур инфратузилма – болалар майдончалари, дам олиш ҳудудлари, яшил боғлар ва транспорт йўлаклари яратилмоқда. Шу орқали шаҳар ва туманларда ҳаёт сифати ошиб, замонавий шаҳарсозликнинг барча афзалликлари аҳоли турмуш тарзида ўз аксини топмоқда. Буларнинг барчаси сифатли яшаш, замонавий масканларда таълим олиш, соғликни тиклаш ҳамда маданий ҳордиқ олиш учун хизмат қилади.

Жумладан, 2025 йилда қиймати 2,9 триллион сўмлик 817 та ижтимоий ва инфратузилма объектлари босқичма-босқич барпо этилмоқда. Улар орасида 176 та умумтаълим мактаби, 7 та ижод маскани, 77 та мактабгача таълим муассасаси, 70 та замонавий шифохона, 38 та ичимлик суви ва оқова тизими иншоотлари, 120 та йўл ва кўприк, шунингдек, 329 та бошқа турдаги объектлар мавжуд. Қолаверса, аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлаш ишлари кутилганданда тезлашиб бормоқда. Сўнгги саккиз ярим йил ичида 715 та турар жой мажмуасида 24 минг 500 та хонадон қуриб битказилди. Бундан ташқари, шу вақт ичида вилоятга 8 миллиард доллардан ортиқ сармоя киритилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6 баробар ошди, 6 мингта янги корхона иш фаолиятини йўлга қўйди.

Бухоро нафақат тарихий обидалари билан, балки янгиланган қиёфаси ва замонавий имкониятлари билан ҳам эътибор марказида турибди. Туризмдан саноатгача бўлган йўналишларда амалга оширилаётган ишлар иқтисодиётга янги ҳаёт, аҳоли турмушига эса қулайлик ва ишонч олиб кирмоқда. Бу соҳа инфратузилмаси тубдан янгиланиб, жаҳоннинг нуфузли меҳмонхона брендлари сайёҳларга хизмат кўрсата бошлади. Ушбу ўзгаришлар натижасида вилоят йилига 1 миллион 700 минг сайёҳни қабул қила оладиган даражага етди. Туризмнинг янги йўналишларини ривожлантириш ҳам муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бухоро зиёратгоҳлари дунёга машҳур, аммо сайёҳларни узоқ вақт ушлаб қолишни мақсад қилиб, хорижий сармоядорлар иштирокида савдо ва кўнгилочар парк қурилиши режалаштириляпти. Маданий объектлар ва янги хизмат кўрсатиш масканлари эса шаҳарга кириб келаётган сайёҳлар сонини янада оширмоқда.

Шу ўринда саноатдаги катта ютуқларни ҳам қайд этиш ўринли. 2024 йил 5 декабрда қабул қилинган Президент қарорига мувофиқ, жорий йилнинг дастлабки ярмида саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга ўсди. Шу даврда 198 та янги корхона ишга тушиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 6,4 фоизга етди. Бу кўрсаткичлар ҳудуд иқтисодиётидаги ўсиш жараёнлари барқарор ривожланаётганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари ташаббусига мувофиқ, "Ислоҳотлар штаби" ташаббуслари туфайли янги йирик инвестиция лойиҳалари шаклланмоқда. Туркиялик тадбиркорлар Пешку туманида графит қазиб олиш ва қайта ишлашни режалаштирмоқда. Вьетнам компанияси замонавий турар жой мажмуаси, ҳиндистонлик ҳамкорлар эса жарроҳлик маркази қуришни кўзламоқда. Умумий қиймати 1 миллиард 700 миллион долларлик 21 та лойиҳа доирасида 260 та объект барпо этилиши натижасида 32 минг иш ўрни яратилиши ва 180 миллион долларлик экспорт имконияти очилиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, Пешку туманида қишлоқ хўжалигида ҳам самарали тажрибалар жорий этилмоқда. Фуқароларга ажратилган ерларда арзон иссиқхоналар қурилиб, экспортбоп маҳсулот етиштириш йўлга қўйилди. Эндиликда бу модель бутун вилоят бўйлаб кенгайтирилади, яъни, қўшимча 5 минг хонадонда иссиқхоналар барпо этилади. Бундан ташқари, 10 минг гектар майдонда узумзорлар, 5 минг гектарда ўрик, гилос ва анжир боғлари ташкил этилади. Энергетика соҳасида 2 та йирик нефть-газ корхонаси фаолият юритмоқда, яна бири қурилиш босқичида. 10 та қуёш ва шамол электр станцияси барпо этилмоқда. Бу объектлар атрофида кичик ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш орқали инвестициялар ҳажми, саноат салоҳияти ва экспорт имкониятларини янада ошириш кўзда тутилган.

Қолаверса, бу бунёдкорлик ишларини бекаму кўст амалга оширишда Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Мақсад эса, замонавий инфратузилма, барқарор иқтисодиёт ва аҳолига янада қулай яшаш шароитларини яратиш орқали вилоятни ҳар томонлама тараққий эттиришдан иборат.

Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақиллигини нишонлашга ҳам саноқли кунлар қолди. Айни пайтда барча ҳудудларда "Ватан учун, миллат учун, халқ учун!" шиори остида ўтказилиши режалаштирилаётган Мустақиллигимизнинг 34 йиллигига тайёргарлик ишлари қизғин тус олган. "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Президент қарорида белгилаб қўйилган Мустақиллик байрами Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ҳамда туманлар, қишлоқ ва овулларда муносиб нишонланишини таъминлаш топшириғи биздан ҳам катта масъулият талаб қилмоқда. Шу боис, бугунги кунда вилоятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги таъминлаш орқали байрам тантаналарини муносиб нишонлашни ният қилмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, Бухоро вилояти ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Жалол Самандарович Арашов "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Фурсатдан фойдаланиб, уни давлатимизнинг юксак мукофоти билан самимий табриклаб, юртимиз равнақи йўлидаги фаолиятида куч-қувват, муваффақият тилаймиз.



**Шуҳрат ДЖЎРАЕВ,** Жиззах вилояти ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчиси.

# ЖИЗЗАХ – барқарор ривожланиш ва фаровонлик тимсоли

**Бугунги Жиззах билан бундан 10 йил олдингиси орасида каттагина фарқ бор. Одамларнинг яшаш тарзи, муҳит, саноат, ишлаб чиқариш, бунёдкорлик... Бу соҳалардаги ўзгаришлар вилоятни барқарор тараққиёт ва фаровонлик тимсолига айлантирмоқда, десак муболаға бўлмайди.**

Таъкидлаш керакки, вилоятнинг бугунги ривожида қурилиш ва бунёдкорлик соҳасининг ҳиссаси катта эканлигини ҳудудда қад ростлаётган замонавий уй-жойлар, шинам таълим ва тиббиёт муассасалари, дам олиш масканларию истироҳат боғлари мисолида кўришимиз мумкин. Зеро, бугунги кунда Жиззах вилояти бўйича давлат дастурлари доирасидаги жами 544 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 1 триллион 950,7 миллиард сўм маблағ ажратилгани ҳам юқоридаги фикрнинг яққол исботидир.

Хусусан, Президентимизнинг 2024 йил 24 декабрдаги ПҚ-454-сонли қарори ва раёсат баёни билан 2025 йил инвестиция дастури бўйича 1 триллион 14,4 миллиард сўмлик 119 та объект қурилиши режалаштирилган. Шундан, 77 таси янгидан бошланувчи ва 42 таси ўтган йилдан ўтувчи ҳисобланади. Янгидан бошланувчи объектларнинг 76 таси бўйича лойиҳа ташкилотлари аниқланиб, 59 тасининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. 56 таси бўйича шаҳарсозлик ва 34 таси бўйича комплекс экспертиза хулосалари олинган ҳамда 69 та объектнинг пудрат ташкилоти аниқланган. Ҳозирга қадар ушбу объектларнинг 20 таси фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг 2024 йилги 2-мавсуми доирасида 110,8 миллиард сўмлик 97 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган. Иқтисод қилинган маблағ 13,1 миллиард сўмни ташкил қилиб, ҳозирда 97 та объектнинг барчаси фойдаланишга топширилган. Қолаверса, лойиҳанинг 2025 йилги 1-мавсуми доирасида 136,3 миллиард сўмлик 109 та объект танлаб олинган бўлиб, шундан, 20 та харид ва 89 та қурилиш-таъмирлаш объектлари дастурга киритилган. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш талаб этиладиган жами 89 та қурилиш объектининг барчасида лойиҳа ташкилотлари аниқланиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган ҳамда шаҳарсозлик экспертиза хулосалари олиниб, барчасида пудратчи аниқланди. Ҳозирда 65 та объект фойдаланишга топширилгани лойиҳанинг халқимиз орасида ҳам катта қизиқиш ва ҳамжиҳатлик билан амалга оширилаётганидан далолатдир.

Жорий йилда Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ–330-сонли қарори билан вилоятнинг 58 та оғир маҳалласи инфратузилмасини яхшилаш учун 124,8 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Бу борада иқтисод қилинган маблағ 28,2 миллиард сўмни ташкил қилади. Ҳозирда ушбу дастур бўйича 58 та объект фойдаланишга топширилган. Шу билан бирга, Президентнинг 2024 йил 31 декабрдаги ПҚ–468-сонли қарори билан Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастурига 432,7 миллиард сўмлик 67 та объект киритилган бўлиб, шундан, 62 тасининг лойиҳа ташкилоти аниқланган ҳамда 55 тасининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. Объектларнинг 52 таси бўйича шаҳарсозлик, 45 таси бўйича комплекс экспертиза хулосалари олинган ҳамда 58 тасида пудрат ташкилотлари аниқланган. Ҳозирда ушбу дастур бўйича 10 та объект фойдаланишга топширилган.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2025 йил 1 апрелдаги ПҚ-132-сонли қарори билан Республика ҳудудларини жадал комплекс ривожлантириш учун танлаб олинган Ғаллаорол тумани бўйича 70,0 миллиард сўмлик 35 та объект киритилган. Дастурдаги жами 35 та объектнинг лойиҳа ташкилоти аниқланиб, 32 тасининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. Объектларнинг 32 таси бўйича шаҳарсозлик ва 7 таси бўйича комплекс экспертиза хулосалари олиниб, пудрат ташкилотлари аниқланиб, ҳозирда ушбу объектларнинг 10 таси қуриб битказилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июндаги 290-сонли қарори билан Жиззах вилоятида биринчи босқичда ишга тушириладиган драйвер лойиҳаларнинг манзилли дастурига ўзгартириш киритиш ва "Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси" маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича 61,7 миллиард сўмлик 59 та объект киритилган. Дастурдаги жами 59 та объектнинг лойиҳа ташкилотлари аниқланиб, 55 та лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган ва 48 таси бўйича шаҳарсозлик, 7 таси бўйича комплекс экспертиза хулосалари олинган. Бугунги кунга қадар ушбу дастур бўйича барпо этилган объектларнинг 5 таси фойдаланишга топширилган.

Бугун нафақат Жиззах вилоятида, балки юртимиз миқёсида аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласига катта эътибор қаратиляпти. Чунки уйи-жойи бор инсон хотиржам яшайди, унумли меҳнат қилиб, юрт ривожига муносиб ҳисса қўшади. Шу боис, жорий йилда вилоятда Президентимизнинг ПФ–26-сонли фармонига асосан, уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантириш бўйича 5700 хонадонли 134 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Ўтаётган йилнинг олти ойи мобайнида 1318 хонадондан иборат 23 та уй-жойлар ўз эгаларига топширилгани ҳам вилоятимиз бунёдкорларининг самарали меҳнати натижасидир.

Бу жараёнда яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур, бу – Халқаро молия институтлари (ХМИ) маблағлари ҳисобидан қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширилиши режалаштирилган уй-жойлар масаласидир. Президентимизнинг ПҚ–124-сонли қарори билан Осиё тараққиёт банки (ОТБ) маблағлари эвазига 25,5 миллион АҚШ долларилик 4 та объект киритилган бўлиб, ҳозирга қадар бу объектларда қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда. Шунингдек, Жаҳон банкининг "Халқаро тараққиёт уюшмаси" ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида "Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида 215,1 миллиард сўмлик 68 та объект киритилган бўлиб, улар учун 207,6 миллиард сўм молиялаштирилган. Бугунги кунга қадар ушбу объектларнинг 57 таси қуриб битказилган.

Албатта, уй-жойлар ва бошқа объектларнинг кўплаб қурилгани яхши. Аммо шу билан бирга, уларнинг сифатли барпо этилиши, қурилиш жараёнида хомашёларнинг ўз ўрнида қўлланилиши ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Бу борада вилоятимизда тегишли ташкилотлар томонидан доимий назорат ўрнатилган. Хусусан, давлат дастурларидаги объектларда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун бюджетдан 1 триллион 159 миллиард сўм молиялаштирилиб, бажарилган қурилиш-монтаж ишларига 1 триллион 208 миллиард сўм сарфланган. Қурилиш объектларида 190 та ҳолат бўйича 4,2 миллиард сўмлик сифатсиз ишлар ҳамда 40 та ҳолатда жами 1,0 миллиард сўмлик қўшиб ёзиш ҳолатлари аниқланиб, бартараф этилди. Назорат тадбирлари давомида 105 нафар масъул шахсга нисбатан огоҳлантириш эълон қилиниб, 8 та қонунга зид ҳужжатга протест келтирилган. Қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 21 та тақдимнома, 65 та қарор қабул қилиниб, 23 нафар шахсга нисбатан интизомий, 42 нафар шахсга эса маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар, қўпол қонунбузилиш ҳолати юзасидан 14 та жиноят иши қўзғатилди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, бугун Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ҳар бир бунёдкорлик замирида шу юрт равнақи, халқимиз турмуш тарзини юксалтиришдек эзгу мақсад мужассам. Қолаверса, бу ишларнинг Ватанимиз мустақиллиги арафасида янада жадаллик билан олиб борилаётгани қўли гул қурувчиларнинг энг улуғ ва энг азиз байрамга муносиб туҳфаси десак, асло адашмаган бўламиз.

# ХОРАЗМ – бунёдкорликнинг янги босқичига қадам қўймоқда

**Сирож БЕКЧАНОВ,** Хоразм вилояти ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари.



**Бугунги Ўзбекистон – фақат марказлардагина эмас, балки энг чекка ҳудудларда ҳам улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ва тараққиёт жараёни кечаётган юртдир. Хоразм эса – нафақат қадимий цивилизация бешиги, балки ўз тарихи давомида бунёдкорлик руҳи билан ажралиб турган юртдир. Бу диёр қадимдан илм, маданият ва меъморчилик маркази бўлиб, ҳар бир даврда тараққиётга йўналтирилган ғоя ва амалий ҳаракатлар билан яшаган. Бугунги кунда тарих ва замонавийлик уйғунлашган паллада Хоразм ўзининг янги бунёдкорлик босқичига қадам қўймоқда.**

Тарихдан маълумки, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий каби алломалар яшаган диёрда нафақат билим, балки уни амалда қўллаш, жамиятни барпо этиш, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида бунёдкорлик ишлари доимо устувор бўлган. Бугунги кунда ҳам Хоразм вилояти Ўзбекистон тараққиётининг энг фаол нуқталаридан бирига айланган. Хусусан, замонавий турар жойларни ўзида жамлаган "Янги Ўзбекистон" массивлари барпо этилмоқда. Йўл ва кўприклар реконструкция қилиниб, Тошкент – Хива – Урганч йўналишида туризмга хизмат қилувчи инфратузилмалар ривожланмоқда. Сув таъминоти, ичимлик суви ва энергетика инфратузилмаси босқичма-босқич янгиланмоқда.

Қурилиш – ҳар қандай давлат тараққиётининг бош омили ҳисобланади. Инфратузилманинг ривожи эса аҳоли турмуш даражасининг юксалиши ва иқтисодий ўсиш билан боғлиқ. Ана шу жиҳатларга эътибор қаратган давлатимиз раҳбари соҳани ривожлантириш йўлида муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Ўтган 7-8 йил мамлакат маркази Тошкент шаҳридан тортиб, энг олис ҳудудларда, жумладан, Хоразмни ҳам улкан қурилиш майдонига айлантирди. Вилоятда ўтган 8 йил давомида 35,0 триллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган. 660 та кўп қаватли уйлар қурилиб, 20 мингдан ортиқ оила ўз хонадонига эга бўлди. Замонавий архитектура қиёфасига эга, шинам ва кўркам уйларда хоразмликлар бугунги ҳаётидан миннатдор ҳолда яшамоқда.

Жорий йилда ҳам хоразмлик қурувчилар маррани баланд олишган. Хусусан, 2025 йилда 12 триллион сўмлик пудрат ишларини амалга ошириш орқали қурилиш соҳасида 11 минг нафар аҳолини банд қилиш режалаштирилган. Шунингдек, ҳозирда давлат дастурлари доирасида 433 та объектда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Қолаверса, вилоятда жорий йилда 7 000 мингта хонадондан иборат 200 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, шу кунгача 1 671 хонадондан иборат 62 та уй қуриб битказилган.

Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Хоразмлик бунёдкорлар бир-биридан кўркам иншоотларни қуриб битказиш мақсадида қўли қўлига тегмай меҳнат қилмоқда. Масалан, айни пайтда Урганч шаҳрида Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган Ал-Хоразмий шаҳарчасида 5-9 қаватли уй-жойлар ва бошқа объектлар қурилиши давом этмоқда. Мазкур шаҳарча 130 гектардан зиёд ер майдонда барпо этилмоқда. Мажмуа 5 минг хонадонни ўз ичига олади. Шаҳарча марказида Хоразмий бобомизнинг муаззам ҳайкали барпо этилади. Шунингдек, бу ердан университет ва ихтисослаштирилган мактаб, "Ёшлар технопарки", офислар, тиббиёт, инновация ва маданият марказлари, савдо ва маиший бинолар ҳам ўрин олади.

Хоразмликларнинг бу бунёдкорликлардан ғурурланиб гапиришида асос кўп. Масалан, вилоятда яқин ўн йилликда 2, 4, 5 қаватдан ошиқ бино қурилмаган. Бугун эса асосан, 7,9,16 қаватли уй-жойлар барпо этиляпти. Демак, қурилиш соҳасида катта ислоҳотлар рўй берди. Шунингдек, ўтган 8 йил коммунал соҳада ҳам вилоят тарихида ўзига хос ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Хусусан, 4 минг 751 километр ичимлик суви ва 206 километр оқава суви тармоқлари қурилди. Марказлашган ичимлик суви таъминоти 52,2 фоиздан 91,6 фоизга, оқава сув таъминоти 7,8 фоиздан 8,6 фоизга етди. Шу йиллар давомида вилоят бўйлаб 205 та кўприк таъмирланиб, 3,6 минг километр умумий ва 3,8 минг километр ички йўллар асфальт қилинди. Бунинг учун 3,1 триллион сўм маблағ сарфланган.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, вилоятда бугунги кунда 2 мингдан ортиқ объектда амалга оширилаётган қурилиш ишлари – энг аввало, инсон манфаатларига қаратилган эзгу ғоялар асосида олиб борилмоқда. Энг муҳими, буларнинг бари истиқлол берган имкониятдир.

Бугун юртдошларимиз тинч ва осуда юртда яшаётгани, фарзандлари ҳар тонг хотиржам уйғониб, энг замонавий масканларда тўлақонли билим олаётгани, маданият, санъат, тиббиёт соҳаларидан исталган пайтда баҳраманд бўлаётгани учун шукрона айтиб, ҳаётидан миннатдор бўлиб яшамоқда.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№70-71 (923-924) 2025 йил 29 август

# QISHLOQQURILISHLOYIHA





**Обод ва озод юртга байрамлар ярашади.**

**Байрамлари кўп элимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами билан барчангизни табриклаймиз.**

*Оилангизга тинчлик-омонлик, иш фаолиятингизга эса улкан муваффақият тилаймиз.*







"O‘ZSHAHARSOZLIK LITI"

·1928·

# МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 34 ЙИЛЛИГИ БИЛАН БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ.

***Юрт ободлиги ва халқимиз қувончи йўлида олиб бораётган самарали фаолиятингизда омад тилаймиз.***
***Янги Ўзбекистонимиз бундан-да гуллаб-яшнайверсин!***



O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№70-71 (923-924) 2025 йил 29 август



"ТАШГИПРОГОР"

## "ТАШГИПРОГОР" АЖ



Юртимизда жавлон уриб меҳнат қилаётган барча соҳа вакилларини мамлакатимиз

**МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 34 ЙИЛЛИГИ**

билан қутлаймиз.

Юртимиздан тинчлик, ҳаётингиздан шоду хуррамлик асло аримасин!



## БУХОРО ВИЛОЯТИ

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ**

**ИСТИҚЛОЛ ШОДИЁНАСИ БИЛАН БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ.**

Тинч ва осуда юртимиз бугунгидан-да равнақ топиб, гуллаб-яшнайверсин. Бунёдкор халқимизнинг яратувчанлик фазилатига асло кўз тегмасин!




ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ИНСПЕКЦИЯСИ
34
Юртимиз ободлиги
ва равнақи йўлида
меҳнат қилиб келаётган
халқимизни
МУСТАҚИЛЛИК
БАЙРАМИ
билан табриклаймиз.
Юртимиз тинч, хонадонларингиз
фаровон бўлиб, оилангиздан
хотиржамлик аримасин!


ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ИНСПЕКЦИЯСИ
Истиқлолимизнинг
34 йиллиги
барча юртдошларимизга
муборак бўлсин!




## ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

# “ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” МЧЖ

### очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

**“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ томонидан “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2025 йил 10 июндаги 254-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилган. Савдо шохобчаларининг буюртманомасида техник хатолик сабабли ўзгартирилди. Асос: “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2025 йил 27 августдаги 469-сонли буюртманомаси.**

| № | Савдо шохобчаларнинг асосий тавсифлари | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|
| 1. | 38-5А-сонли, умумий майдони 20,0 м² бўлган савдо шохобчаси | 120 000 000 |
| 2. | 38-17А-сонли, умумий майдон 20,00 м² бўлган савдо шохобчаси | 120 000 000 |
| 3. | 12-21-10А-сонли, умумий майдони 9,00 м² бўлган савдо шохобчаси | 54 000 000 |

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилиш охирги муддати 2025 йил 12 сентябрь куни соат 16.00да тўхтатилади.

**Талабгорларнинг таклифлари 2025 йил 16 сентябрь куни соат 11.00дан** бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 30 сентябрь 15-29 октябрь, 12-26 ноябрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 да ўтказилади.

Савдодага қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

– жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

**Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-82.

# “Косон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти

### бир дона акциясининг бозор қийматини белгиланган тартибда баҳолаш ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларини экспертизадан ўтказиш мақсадида мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасида

## ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

“Косон пахта тозалаш” АЖ устав фондида давлат улуши мавжуд эмас.

**Танловда иштирок этиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар “Косон пахта тозалаш” АЖни тугатиш комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:**

– баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;

– ташкилот устави нусхаси;

– ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

– баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганини тасдиқловчи суғурта полиси нусхаси;

– баҳолаш ҳамда экспертиза ишининг бажарилиш муддати ва хизмат ҳақи миқдори кўрсатилган тижорат таклифи;

– баҳоланган корхоналар рўйхати;

– баҳоловчи ташкилотлар уюшмаси ёки баҳоловчилар жамиятига аъзолиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

– лицензияловчи орган томонидан берилган баҳолаш ташкилоти раҳбари ва баҳоловчиларнинг малака сертификати нусхаси.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхалари тикилган ҳолда ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

**Тижорат таклифларини 2025 йил 5 сентябрь соат 16.00 га қадар қуйидаги манзилга юборишингиз сўралади:** Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қарши-Бухоро йўли.

**Электрон почта:** koson-paxta@umail.uz

**Маълумот учун телефонлар:** 88-639-39-77, 99-529-45-55.

**Эълон жойлаштирилган сана:** 2025 йил 26 август.

# “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти

### бир дона акциясининг бозор қийматини белгиланган тартибда баҳолаш ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларини экспертизадан ўтказиш мақсадида мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасида

## ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

“Чироқчи пахта тозалаш” АЖ устав фондида давлат улуши мавжуд эмас.

**Танловда иштирок этиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар жамиятга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:**

– баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;

– ташкилот устави нусхаси;

– ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

– баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганини тасдиқловчи суғурта полиси нусхаси;

– баҳолаш ҳамда экспертиза ишининг бажарилиш муддати ва хизмат ҳақи миқдори кўрсатилган тижорат таклифи;

– баҳоланган корхоналар рўйхати;

– баҳоловчи ташкилотлар уюшмаси ёки баҳоловчилар жамиятига аъзолиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

– лицензияловчи орган томонидан берилган баҳолаш ташкилоти раҳбари ва баҳоловчиларнинг малака сертификати нусхаси.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхалари тикилган ҳолда ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

**Тижорат таклифларини 2025 йил 5 сентябрь соат 16.00 га қадар қуйидаги манзилга юборишингиз сўралади:** Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик, кўчаси, 153-уй.

**Электрон почта:** Chiroqchi-pt@umail.uz,

**Маълумот учун телефонлар:** 99-742-48-78, 93-247-85-48.

**Эълон жойлаштирилган сана:** 2025 йил 27 август.



“O‘ZBEKISTON BUNYODKORI” ГАЗЕТАСИНИ
ижтимоий тармоқларда ҳам кузатиб боринг!

uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz | @uzbunyodkor

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№70-71 (923-924) 2025 йил 29 август

# Сув омбори бўйида янги экотуризм маскани барпо этилади

**Ғайрат БЎРИЕВ,**
Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Ахборот хизмати бош мутахассиси.

**Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, сайёҳлар учун қулай ва замонавий масканлар барпо этиш, энг муҳими, табиат ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда, Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудлари, сув омборлари ва кўл соҳилларида экотуризмни ривожлантиришга кенг йўл очилмоқда.**



Қумқўрғон туманидаги “Жанубий Сурхон” сув омбори ҳудудида замонавий экотуризм мажмуаси барпо этилиши ҳам ана шу эзгу мақсад йўлидаги амалий қадамлардан биридир. Лойиҳа учун 15,7 гектар майдон ажратилган бўлиб, 140 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига қурилиш ишлари амалга оширилади. Мажмуа қурилишида табиатни асраб-авайлашга катта эътибор қаратилади. Янги яшил майдонлар ташкил этилади, экологик талабларга жавоб берадиган йўл ва инфратузилмалар барпо этилади, сув тозалаш тизимлари жорий этилади.

Бу ерда сайёҳлар учун замонавий коттеж уйлари ва бассейнлар, автотураргоҳ ва автомобиль хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо ва умумий овқатланиш масканлари, сув усти айвонлари, спорт майдончалари, болалар учун ўйин майдонлари ва пиёдалар йўлаклари каби иншоотлар бунёд этилади.

Шунингдек, сув омбори ҳудудида балиқчиликни йўлга қўйиш ва кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам амалга оширилади.

Вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов ушбу ҳудудда бўлиб, такомиллаштирилган лойиҳа тақдимоти билан танишди. Ажратилган майдонларни кўздан кечириб, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини тизимли, босқичма-босқич амалга ошириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди.

Маълумот учун, “Жанубий Сурхон” сув омбори бундан 58 йил муқаддам ишга туширилган. Денгиз сатҳидан 408 метр баландликда жойлашган омбор сув сатҳи юзаси 65 квадрат километр, тўла сув сиғими эса 800 миллион куб метрни ташкил этади. Янги экотуризм мажмуаси ишга тушиши билан нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижий сайёҳлар учун ҳам Сурхондарёнинг бой табиати ва миллий анъаналарини ўзида мужассам этган, замонавий қулайликларга эга маскан яратилади.

# Юрт ишқида ёнар қалб

**Беҳзод БАХРОНОВ,**
Самарқанддаги “Building House Miromon” МЧЖ раҳбари.



**Бугун Ватанимиз тобора гўзаллашиб, обод манзиллар, бир-биридан кўркам шаҳар ва қишлоқлар кўпайиб, кишиларга завқ-шавқ бағишламоқда. Уларни янги ва улкан марралар сари чорламоқда. Жумладан, қурилишдаги янгича ёндашув ва бунёдкорлик биз, соҳа ходимларига нақадар жўшқинлик бағишлаётганини, тинимсиз изланишга ундаётганлигини сўз билан таърифлашга ожизман.**

Назаримда, кейинги беш-олти йилда эришилган ютуқларнинг ўзи ҳар қандай кишини лол қолдириши аниқ. Қолаверса, бу ўзгаришлар бизни дунёга бошқача нигоҳ ташлашга ўргатаётганлиги ҳам эътиборга сазовор. “Янги Ўзбекистон” деган сўз илк бор янграганда, демак, келажагимиз порлоқ, нурли режаларимиз ҳали олдинда эканлигига амин бўлганман.

Мана шу янги давр бўсағасида туриб, имкониятлардан фойдаланиш, яратилган қулайликларни қадрига етишга аҳд қилдим. Қурувчи бўлганлигим боис, улуғ мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларда омадимни синаб кўришга аҳд қилдим. Айни пайтда жамоамиз билан бирга Самарқанд туманидаги “Янги жой” МФЙ ҳудудида янги замонавий шаҳарча бунёд этишга киришганмиз. 500 дан зиёд хонадонга эга бўлган уй-жойлар, мактаб, МТМ, савдо, маданий-маиший объектлар, хуллас, инфратузилмага эга масканни жадаллик билан тиклаяпмиз.

“Movarounnahr Arch Design” МЧЖ лойиҳаси асосида қурилаётган бинолар замонавийлиги, энергия тежамкорлиги билан ажралиб турибди. Муҳими, жамоамиз ишчи-хизматчилари эришаётган ютуқлар ҳам Мустақиллик туфайли қўлга киритилаётганлиги бизга ғурур бағишлайди.

# 500 ўринли талабалар турар жойи фойдаланишга топширилди

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида янги замонавий типда ва давлат-хусусий шериклик асосида қурилган талабалар турар жойининг фойдаланишга топширилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қўмита раиси М. Атамуратов сўзга чиқиб, янги бинолар фойдаланишга топширилиши муносабати билан йиғилганларни табриклади. Тадбирда таъкидланганидек, сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида барча соҳалар қатори таълим соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ёшларни олий таълимга қамраб олиш, улар учун барча қулай шароитларни яратиш бўйича ишлар янги босқичларга кўтарилмоқда.



Янгидан фойдаланишга топширилган талабалар турар жойининг қурилиши ҳам айнан шу йўналишдаги эзгу ишлардан бўлиб, замонавий архитектура стандартлари асосида қурилган объект жами 500 талабани ўзида қамраб олиш имкониятига эга ва унда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча қулай шароитлар яратилган.

# Оддий инсонлар ҳаётидаги ўзгаришлар

**Нигора НОЗИМЖОНОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қурилиш соҳаси иқтисодий стратегиянинг етакчи йўналишига айланган. Биргина қурилиш ишларининг ўсиш кўрсаткичларига назар ташлайдиган бўлсак, 2025 йилнинг январь-март ойларида Хоразм вилоятида қурилиш ишлари 110,4 фоизга ўсган. Бу кўрсаткичлар қурилиш ва инфратузилмани кенгайтиришда давлат эътибори юқорилигини тасдиқлайди. Бу борадаги ишларга Шовот тумани мисолида назар ташлаймиз.**

Шовот тумани тарихга янги шакл бераётган бунёдкорлик манзили. Шовот Урганчдан тахминан 37 километр шимоли ғарбда жойлашган. Аслида бу кичик шаҳарчанинг тарихи бой. Бугунги кунда ҳам кўзда тутилган ижобий янгиланишлар уни янги босқичга олиб чиқмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги “Республика ҳудудларини жадал комплекс ривожлантириш учун танлаб олинган туман (шаҳар)ларда амалий чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ажратилган маблағларнинг сарфланиши бўйича манзилли дастурдаги жами 5 та йўналишда 12 та лойиҳаларни амалга ошириш учун 14 та объектлар танлаб олинган.

– Президентимизнинг қарорлари асосида туманимизда бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, – деди Шовот тумани ҳокими ўринбосари Рафиқ Рўзимов. – Жумладан, Президентимизнинг қарори асосида Шовот туманида “Янги Ўзбекистон” массивини қуриш кўзда тутилган. Бугунги кунда кўп қаватли уйларни қуриш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Жорий йилда 25 та 5, 7, 9 қаватли уйларни қуришни режа қилганмиз. Булардан ташқари, “Янги Ўзбекистон” массивида оқава сув тизимларини тозалаш иншоотлари, ичимлик суви тармоқларини қуриш, марказлашган иситиш тизимини қуриш ишлари давом этмоқда. умумий майдони 23 гектардан иборат “Янги Ўзбекистон” массивида қурилиши белгиланган 9 қаватли уйлардан 2025 йили 15 тасини фойдаланишга топшириш режаларимиздан бири. Бундан ташқари, бошқа ҳудудларда ҳам қурилиш ишлари ижтимоий ривожлантириш дастурига киритилган. Бу бўйича 70 млрд сўм миқдорида маблағ ажратилган. Истироҳат боғларини ободонлаштириш, реконструкция қилиш, Хотира майдонини тартибга келтириш, каналларни бетонлаштириш, пиёдалар йўлакчалари ва велойўлакларни қуриш ишлари бугунги кунда жадал суръатларда давом этмоқда.

2030 йилгача Хоразмда “Янги Ўзбекистон” массивлари доирасида 555 та кўп квартирали уй қурилиб, 19 800 хонадон фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бу нафақат уй-жой танқислигини бартараф этиш, балки ижтимоий барқарорлик ва инфратузилмани янгилашга хизмат қилади. Мазкур массивларнинг қурилиш ишлари вилоят бўйича Хонқа, Янги Ариқ ва Тупроққалъа туманларида бошланган бўлса, иккинчи босқичда Ҳазорасп, Урганч ва Шовот туманларида давом этмоқда.

Бугунги кунда Шовот туманига ташриф буюрган меҳмонларнинг кўзини қувнатадиган янги шаҳарча марказий кўча яқинида қад ростлаяпти. Бу ердаги уйлар шунчаки хонадон эмас, Янги Ўзбекистоннинг янгича дунёқарашига эга бўлган халқи янада бахтли истиқомат қиладиган масканга айланади. Шовот тумани бўйлаб нафақат “Янги Ўзбекистон” массивида балки ҳар бир маҳаллада қурилиш соҳасида ишлар қизғин. Уларнинг сифатли амалга оширилиши эса назоратга боғлиқ. Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган назорат ва рейд тадбирлари қурилиш ишларининг сифатини яхшилашга хизмат қиляпти.

– Шовот тумани бўйича вилоят инспекциясида 105 та объект рўйхатдан ўтган, шундан ҳозир 60 та объектда иш олиб борилмоқда, – деди инспектор Мураддин Матниёзов. – Рўйхатдан ўтган объектларнинг барчасида тизимли равишда қурилишда давлат назорати олиб борилмоқда. Жумладан, тумандаги “Янги Ўзбекистон” массивида режа асосида 20 та 5, 7, 9 қаватли турар жой биноларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси инспекция томонидан назоратга олинган ва ўз навбатида тизимли равишда инспекторлик назоратлари ташкил қилинган. Худди шу каби туманда давлат дастурлари асосида мактабгача таълим ташкилоти, мактаб бинолари, Ёшлар маркази, спорт майдонларида реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Аниқланган камчиликлар бўйича жойида қурилиш-пудрат ташкилотига техник назорат ва лойиҳа ташкилотларига электрон тарзда кўрсатмалар берилиб, уларнинг бажарилиши назоратга олинган. Аввалдан уларни огоҳлантириб, шу ишлар лойиҳалар асосида олиб борилиши зарурлиги тушунтирилмоқда.

Туманда амалга оширилаётган ривожланиш босқичлари шаҳарсозлик ва экологик меъёрларга йўғрилган ободонлаштириш дастурлари ҳудудни янада жозибали ва истиқболли марказга айлантиришга хизмат қилади. Шовот кичик шаҳарча эмас, у туман маркази сифатида қисқа вақт ичида шаклланмоқда. 10 йиллардан буён туман марказида фойдаланилмай турган ўйингоҳ шу йилнинг ўзида туман аҳолиси учун барча қулайликларга эга спорт мажмуасига айлантирилади.

Ҳудудда амалга оширилаётган яна бир соҳадаги муҳим лойиҳа бу марказлашган ичимлик ва ички оқова сув тизимларини қуриш лойиҳаси. Уни ишга тушиши натижасида 20 минг нафар аҳоли ҳамда 12 тадан ортиқ давлат ва хусусий ташкилотлар илк бор марказлашган ичимлик ва оқова сув тизимига уланади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, туманда аҳолининг маданий ҳордиқ олиши учун ҳам зарур инфратузилмалар барпо қилинмоқда. Комилжон Отаниёзов номли маданият ва истироҳат боғи, ёшлар сайилгоҳлари шулар жумласидан.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Шовот туманида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар, ижтимоий инфратузилма объектлари, энергия тежамкор замонавий иншоотлар буларнинг барчаси барқарор тараққиёт сари дадил қадамлар бўляпти. Энг муҳими, бу ўзгаришлар оддий инсонлар ҳаётида акс этмоқда.

# Қирғоқлари жаннатмакон СИРДАРЁ

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**Туризм соҳаси иқтисодиётни юксалтириш билан бирга, дунё халқларини маънавий жиҳатдан боғлайди. Бугунги кунда мамлакатимизда сайёҳликни янада ривожлантиришга қаратилган зарур чоралар амалга оширилмоқда. Маҳаллий ва хорижий меҳмонлар учун жаҳон талабларига мос инфратузилма барпо этиляпти. Яратилган имкониятлар натижасида сайёҳлар асрларни ўз ичига сингдирган, маънавий сир-синоатларни сақлаб келаётган ёдгорликларимизга катта қизиқиш билан ташриф буюряпти.**





Соҳани янада ривожлантириш ва инфратузилмани кенгайтиришга қаратилган давлат дастурлари орқали сўнгги йилларда туризм талабларига тўлиқ жавоб берадиган кўп сонли масканлар ташкил этилди. Хусусан, янги бинолар, дам олиш мажмуалари ва спорт иншоотлари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида ҳам ҳудуд инфратузилмасини талаб даражасида шакллантириш ва туризм салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс лойиҳалар амалга ошириляпти. Мақсад – маҳаллий аҳоли ва меҳмонлар учун қулай дам олиш шароитлари яратиш, шу билан бирга, ҳудуд иқтисодиётини янада ривожлантиришдир.

Бунинг учун иқлими мўътадил Янгиҳаёт маҳалласи ҳудудидан ўтадиган Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган 55 гектар ер танлаб олинди. Бу майдон узоқ йиллар давомида қаровсизлик туфайли ер структураси бузилиб, ташландиқ ҳолга келган эди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида жорий йилнинг 9 апрелида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудларнинг туризм салоҳиятини ошириш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш вазифалари белгилаб берилгани натижасида бу ерда кенг кўламли қурилиш ҳамда бунёдкорлик ишлари бошланди.

– Сайёҳлар белгиланган манзилга бориш учун албатта, қайсидир кўча ёки маҳалладан ўтади, – деди Сайхунобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Шаҳзод Бегматов. – Аввало, бу жойларнинг ободлигига қараб сайёҳлар маҳаллий аҳоли ҳақида фикр билдиришади. Шу сабабли, ҳудуддаги таъмирталаб кўчалар асфальт қилиниб, кўп қаватли турар жойлар ҳамда аҳоли хонадонлари атрофини ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ноқонуний қурилмалар ихтиёрий равишда буздирилиб, уларнинг ўрнига аҳолига хизмат кўрсатувчи мажмуалар барпо этилмоқда.

Шунингдек, эскирган симёғочлар янгисига алмаштирилиб, транспорт ва пиёдалар йўлаклари қуриб битказилди. Болалар ҳамда катталар учун учта спорт майдончаси ишга туширилди. Қисқаси, бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Дарё қирғоғида қурилаётган туризм масканига умумий қиймати салкам 4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Лойиҳа учун салоҳиятли инвесторлар жалб қилинган бўлиб, лойиҳа ишлари афғонистонлик инвестор – “Fazilat group” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилмоқда. Режа бўйича лойиҳада белгиланган асосий ишларнинг 80 фоизи жорий йил охирига қадар якунланиши назарда тутилган. Бундан ташқари, мазкур ҳудудда бир неча йил аввал қурилган эски 5 та бино ўрнига замонавий меҳмонхона, ресторан ҳамда сервис хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилади. Бу ташриф буюрувчи сайёҳларга муносиб хизмат кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш ва маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Мазкур ишларга қўшимча равишда Ўриксор маҳалласи ҳудудидаги 3 гектар майдонда табиий гўзалликни сақлаб қолган ҳолда дам олиш масканлари, ҳайвонот дунёси ва Сирдарёнинг умумий манзилидан баҳраманд бўлиш имконини берувчи 10 та ойнаванд капсула қуриш ишлари бошланди. Шу билан бирга, замонавий туризм масканида соғломлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Работ маҳалласи ҳудудида ер остидан чиқиб турадиган минерал сув манбаи асосида тиббий марказ ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу марказ қон босими, гипертония, диабет ва ҳазм қилиш тизими каби касалликлардан азият чекаётганларни даволаш ва реабилитация қилишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудда келгуси йиллар мобайнида маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ўзига жалб қиладиган, ҳар томонлама қулай ва соғломлаштириш имкониятига эга замонавий туризм марказлари фаолияти йўлга қўйилади. Сирдарё бўйида бунёд этилаётган ушбу сайёҳлик маркази ҳам яқин орада одамлар билан гавжум бўлиши аниқ.



Фахрийлар

# Шогирдлар ва ҳамкасблар ҳурматини қозонган устоз

**Шерзод НИЗАМОВ,** Архитектура ва қурилиш соҳасида фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.

**Ярим асрдан зиёд вақт давомида малакали архитектор сифатида юртимиз бунёдкорлик ривожига ҳисса қўшиб келаётган фахрий устозлардан бири – Шаҳобиддин Нишоновдир. У киши бугунги кунда Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Махсус ишлар бўйича бош мутахассис лавозимида фаолият юритиб келмоқда.**



Соҳада 52 йилдан зиёд иш тажрибасига эга Ш. Нишонов 1953 йилда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида зиёлилар оиласида таваллуд топган. 1977 йилда Тошкент политехника институтини архитектор мутахассислиги бўйича тамомлаб, илк иш фаолиятини 1972 йилдан "Оргтехстрой" трестида техник сифатида бошлаган. Сўнгра, 1973-1978 йиллар давомида "Узмежколхозпроект" лойиҳа институтида техник, катта техник, муҳандис, 1980-1996 йилларда архитектор, катта архитектор, гуруҳ раҳбари, лойиҳа бош архитектори, лойиҳа бош муҳандиси, ОКПП бўлим бошлиғи вазифаларида ишлаб, тажриба орттирган.

1996-2002 йилларда Тошкент вилояти ҳокимлигининг Архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармасида бош мутахассис, бошлиқ ўринбосари лавозимларида фаолият юритиб, бир қатор йирик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этган. 2002-2009 йилларда Зангиота тумани бош архитектори, 2009-2017 йилларда Тошкент вилояти Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари сифатида фаолият юритган.

Шаҳобиддин Нишонов 2000 йилларда Тошкент вилоятида қурилган кўплаб ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг бунёд этилишига ўз билим ва маҳорати билан катта ҳисса қўшган. Шунингдек, шаҳар ва туманлар бош режаларини ишлаб чиқиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш жараёнида ҳам ўзининг муносиб таклифларини билдирган.

Устоз архитектор меҳнат фаолияти давомида кўплаб ёш архитектор ва лойиҳачиларга касб сирларини ўргатган. Улар бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида фаол қатнашмоқда. У ўз билими, катта тажрибаси, талабчанлиги ва ишини тўғри ташкил этиш қобилияти сабабли жамоада кўпчиликка ўрнак бўлиб, керак пайтда, устозлик қилиб келмоқда.

# Ташаббускор меъмор

**Сайфиддин НАРЗИҚУЛОВ,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой, коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, вилоят бош архитектори.

**Бугун жадал ривожланиб бораётган қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида малакали мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Шу боис, касбига содиқ, тажрибали ва фидойи ҳамкасбларимиз ҳамиша қадрланади. Ана шундай истеъдодли меъмор ва ташкилотчи раҳбарлардан бири – Норқул Садиқовдир.**



Норқул Садиқов 1965 йилнинг 29 август куни Самарқанд шаҳрида туғилган. Ёшлигидан қурилиш ва меъморчиликка қизиқиб улғайди. Бу интилиш уни қатъий мақсад сари етаклаб, 1982 йилда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига ўқишга чорлади. Олий таълим муассасасидаги таҳсил давомида ўзининг изланувчанлиги, тиришқоқлиги ва ташаббускорлиги билан нафақат тенгдошларининг, балки устозларининг ҳам эътиборини қозонди. Амалиёт жараёнларида бевосита гувоҳ бўлган қурилишдаги фидойилик эса унинг касбига нисбатан меҳрини янада мустаҳкамлади.

1984-1986 йилларда йигитлик бурчини адо этган Н. Садиқов 1989 йилда институтни муваффақиятли тамомлаб, дастлабки меҳнат фаолиятини Самарқанд шаҳар архитектура ва шаҳарсозлик бошқармасида бошлади. Кейинги йилларда турли масъулиятли лавозимларда – бош рассом, бош мутахассис, бош меъмор ўринбосари, шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи, сўнгра, вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи – вилоят бош архитектори сифатида ҳам самарали фаолият юритди.

Архитектор нафақат ижодкор, балки функционал ва эстетик жозибадор маконларни яратишга масъул мутахассисдир. Айнан шу масъулият ва фидойилик билан Норқул Садиқов 2012-2019 йилларда вилоят бош архитектори сифатида кенг жамоатчиликнинг ҳурматини қозонди. Шунингдек, у 2014-2015 йилларда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, 2014-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида ҳам юрт тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Кейинчалик, ўз фаолиятини "Тошкентбошплан ЛИТИ" ДУК бош архитектори сифатида, 2019 йилдан буён "Саид Нур Лойиҳа" МЧЖ директори сифатида Самарқанд шаҳрининг янгиланаётган қиёфаси йўлида кенг кўламли ишларни амалга ошириб, бунёдкорлик ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг юксак тажрибаси, фидойилиги ва меҳнатсеварлиги туфайли кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Кўп йиллик тажрибаси ва садоқати билан меъморчилик соҳасида ўз мактабини яратган Норқул Саидович бугун кўпчилик ёш меъморларнинг устози. Уларнинг янгича қарашлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, мамлакатимиз архитектурасини дунёнинг илғор давлатлари қаторига олиб чиқишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Шунингдек, бугун у кишининг қўлида сабоқ олган, устозлик мактабидан ўтган бир қатор шогирдлари бир қатор ташкилотларда турли масъул лавозимларда фаолият юритиб келаётгани у кишининг меҳнатлари самарасидир.

Норқул Садиқов ибратли оила бошлиғи, фарзандлари ҳамда невараларининг меҳрибон отаси ва бобосидир.

Устоз сифатида ёш меъморларга намуна бўлиб келаётган Норқул Саидович бугун олтмиш ёшни қаршиламоқда. Биз ҳам маҳоратли меъморга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт ва фаолиятларида янада улкан муваффақиятлар тилаймиз.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2025 йил августь ойининг 29–31 саналари ва сентябрь ойининг 1–4 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ичимлик ва оқова сув тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиларии **Тўлқин Ҳасанов, Омонжон Абдуллаев,** Компьютерларга хизмат кўрсатувчи техник **Ахрор Холмахматов,** Юридик таъминлаш бўлими етакчи юрисконсульти **Нодир Абдуалиев,** хизмат хоналари фарроши **Гулноза Юнусова,**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ҳудудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишлари назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Элёр Ғаппоров,** Ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими бош мутахассиси **Музаффаржон Абдулҳамитов,**

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Йиғма-таҳлил ва методология бошқармаси бош мутахассиси **Акмалбек Мақсудов,** ҳайдовчи **Маҳамаджан Муҳрумджанов,**

"Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi" ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, лойиҳаларни бошқариш ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи ўринбосари **Комилжон Нурматов,** Шаҳарсозликка оид ахборот-дастурий тизимларни юритиш бўлими бош мутахассиси **Аҳроржон Мамасобиров,**

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" директори ўринбосари **Шуҳрат Ҳамдамов,**

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси ҳайдовчиси **Шоҳруҳ Пардаев,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Таълим хизматларини кўрсатиш бўлими мутахассиси **Лолахон Бекчанова,** Халқаро алоқалар ва маркетинг бўлими бош мутахассиси **Хуршида Таджибаева,**

"Ўзоғирсаноатлойиҳа" АЖ ГиТ архитектори **Гулнора Ганиходжаева,** ООПР фарроши **Алтынай Бурибаева,** ВК бош мутахассиси **Галина Архангельская,** АСС-1 бош мутахассиси **Лазиз Юлдашев,** СКОА қимматли қоғозлар бўйича етакчи мутахассис **Нигора Ташпўлатова,** УПРО молиявий ва иқтисодий ишлар бўйича маслаҳатчиси **Лазизхон Шарапов,**

"O‘zshaharsozlik LITI" ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 2-устахонаси олий тоифали лойиҳа бош архитектори **Елена Соколова,** 3-устахонаси архитектори Дилшод Саъдуллаев, Бухоро филиали бош муҳандиси **Шавкат Ҳасанов,** Жиззах филиали директори **Беҳруз Қосимов,**

Қорақлпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги махсус ва архив ишлари бўйича бош мутахассиси **Шарипа Абдразиева,** Беруний тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Мансур Кучкаров,** Нукус тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Алламберген Толыбаев,**

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ичимлик ва оқава сув, иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи **Ҳабибулло Эрматов,** архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси етакчи мутахассиси **Шехрозбек Хурбоев,** Мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси етакчи мутахассиси **Бекзодбек Сотволдиев,** Бўстон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Исломбек Содиқов**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи **Соҳибжон Джумаев,** Қоракўл тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Илҳомжон Қиличев,**

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари **Фарҳод Мусурмонов,**

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси рақамли технология бўйича бош мутахассиси **Одил Ҳасанов,**

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи **Панжи Тангриев,** Жарқўрғон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Ботир Ўроқов,**

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Шерзод Муҳаммедов,**

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси бош мутахассиси **Шерзод Аметов,**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидаги "Иссиқлик манбаи" ДУК Сурхондарё вилояти Режа-техник бўлими бошлиғи **Жуманазар Мингнаров,**

"Qo‘qon Loyiha Qurilish" МЧЖ бухгалтери **Муҳайёхон Позилова,**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "Oltinko‘l kommunalchi" МЧЖ БСК раҳбари **Ольга Гольдварт,** Мирзо Улуғбек туманидаги "Navnihol kommunal" МЧЖ БСК раҳбари **Зульфия Таджимуратова**, Янгиҳаёт туманидаги "Буюк ҳамжиҳат сервис БК" МЧЖ раҳбари **Музаффар Ортиқов**, Наманган вилояти Косонсой туманидаги "Buyuk kelejak kompaniyasi" МЧЖ БСК раҳбари **Қосимхон Ҳомидов,** Учқўрғон туманидаги "Sabiha Soliha Muxammadamir" МЧЖ БСК раҳбари **Исмонжон Буматов,** Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги "Temur-Termez-Servis" МЧЖ БСК раҳбари **Татьяна Рўзиева,** "Sardorbek Elnur Termez" МЧЖ БСК раҳбари **Саломат Мейлиева,** Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Файз таъмирсоз" МЧЖ БСК раҳбари **Абдумурод Қодиров,** Янгибозор туманидаги "Yangibozor New Servis BK" МЧЖ раҳбари **Жамила Раҳимова,**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "Баҳор-коммуналчи-таъмир" уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Фарҳод Раҳматовларни** таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**




IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Ҳидоятов,
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари — **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи — **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ — **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" МЧЖ, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 841.
1805 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 23.05
Топширилди – 01.50. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 5 сентябрь куни чиқади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№70-71 (923-924) 2025 йил 29 август

# "SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI" ДМ

**Жонажон юртимизнинг замонавий қиёфасини яратиш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган моҳир қурувчи ва муҳандисларни, уста ва меъморларни, лойиҳачиларни**

## ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ

**билан самимий муборакбод этади.**

**Жонажон Ватанимиз ҳамиша тинч, меҳнатсевар халқимиз турмуши бундан-да фаровон бўлишини тилайди.**

